

## “Ватан – муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!”

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги 140-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 августдаги ПҚ-3898-сон Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш улар қалбида Ватан тақдирига юксак дахлдорлик, шижоат ва фидойлик туйғуларини шакллантириш бўйича 2018 йил 12 октябрда “Ватан – муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!” мавзусида *“Қишлоқ ва сув хўжалиги энергия таъминоти” факультети талаба-ёшлар билан маърифий учрашув ўтказилди.*

ТИҚХММИ ҳарбий кафедра бошлиғи подполковник Р.З.Минлишев, ҳарбий кафедра бошлиғи ўринбосари подполковник В.И.Тагаев, ҳарбий кафедра етакчи ўқитувчилари заҳирадаги подполковниклар Х.И.Эргашев ва М.Т. Умиров ҳамда *“Қишлоқ ва сув хўжалиги энергия таъминоти” факультети декан ўринбосарлари Ш.Бердиев ва Ж.Рахимовлар иштирок этдилар.* xxx